

**“Навоийуран” давлат корхонаси фаолиятида коррупциявий  
хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш  
УСЛУБИЁТИ**

Мазкур Услубиёт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти (Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3383)га мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Навоийуран” давлат корхонаси (бундан буён матнда “корхона” деб юритилади) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Корхона қуйидаги мақсадларда ўз фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этади:

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларни аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутди:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати.

3. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупциявий хавф-хатар** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий

ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** — корхона фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** — корхона фаолиятини, шу жумладан таркибий бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**қолдиқ хавф-хатар** — аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

**махсус бўлинма** — “Навоийуран” давлат корхонасининг коррупцияга қарши курашиш бўлими.

4. Корхона фаолиятини коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1 мартга қадар амалга оширилади.

## **2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш**

5. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш корхонанинг барча таркибий бўлинмаларини қамраб олади.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш махсус бўлинма томонидан амалга оширилади.

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда махсус бўлинма томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар

харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш.

### **3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби**

7. Махсус бўлинма томонидан корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услугабийётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

8. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

9. Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:  
корхона фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси;  
ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;  
коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;  
махсус бўлинма томонидан корхона фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

10. Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:  
корхона фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан корхона фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

11. Махсус бўлинма корхона таркибий бўлинмалари фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуйидаги ҳолатларни таҳлил қилади:

корхона ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

корхона таркибий бўлинмалари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қилмаслик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлгон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

12. Корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида паст, ўрта ёки юқори баҳоланади.

13. Махсус бўлинма томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

#### **4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари**

14. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва корхона таркибий бўлинмалари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

корхона таркибий бўлинмалари фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

корхона ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида корхона томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

корхона томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Корхонада коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 14-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини ҳам баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

16. Корхона махсус бўлинмаси томонидан корхона фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “E-anticor.uz” электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар киритилади.

17. Корхонанинг махсус бўлинмаси томонидан “E-anticor.uz” электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қуйидаги ҳужжатлар шакллантирилади:

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

корхонанинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

18. Корхона Бош директори ҳар йили 1 мартга қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини “E-anticor.uz” электрон платформаси орқали тасдиқлайди.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

19. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Навойуран” давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва  
баҳолаш услубиётига 1-илова

**“Навойуран” давлат корхонаси фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг)**

ТАВСИФИ

Т/р	Функция номланиши	Функция доирасида бажариладиган жараён	Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (унинг Ф.И.О. ҳамда лавозими)
“Навойуран” давлат корхонаси			
1.1. “Навойуран” давлат корхонасининг _____ бўлими			
1.1.1.			

“Навоийуран” давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва  
баҳолаш услубиётига 2-илова

**Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш  
МЕЗОНЛАРИ**

**1.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини  
аниқлаш мезонлари**

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юкори*	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солинмаган
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда бир шахс иштирок этиши
	таркибий бўлинма фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
Ўрта*	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	таркибий бўлинма фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда иккита шахс иштирок этиши
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
Паст*	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган

	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
	таркибий бўлинма фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишда ва қабул қилишда уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши
	коррупциявий хатти-ҳаракат ва коррупциявий хатти-ҳаракат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас

\* Махсус бўлинма томонидан корхона таркибий бўлинмалари фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаш корхона Бош директори билан келишган ҳолда амалга оширилади.

\*\* Корхона таркибий бўлинмалари фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.


### 1.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари

Оқибат даражаси	Обрўга путур етказиш	Жавобгарлик
<b>Юқори</b>	— Хавф-хатар корхонанинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равишда путур етказди	— Корхона ходимларига нисбатан жиноий иш кўзгатиш учун тегишли органларга ҳужжат юбориш ташаббуси билан чиқиш
<b>Ўрта</b>	— ОАВда салбий ходисанинг ёритилиши; — Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш; — хавф-хатар корхонанинг обрўсига маҳаллий даражада путур етказди.	— Корхона ходимларига нисбатан суриштирув ўтказиш учун ҳужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориш ташаббуси билан чиқиш
<b>Паст</b>	— Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин	— Давлат органи/идораси тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин

### 1.1-расм. Хавф-хатар даражасини аниқлаш шакли



ТАЪСИРЧАНЛИК ДАРАЖАСИ



ЭЪТИМОЛЛИК ДАРАЖАСИ

“Навоийуран” давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва  
баҳолаш услугиётига 3-илова

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

“Навоийуран” ДК Бош директори

\_\_\_\_\_ **Ф.И.О.**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ йил

**“Навоийуран” давлат корхонаси фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар**

**ХАРИТАСИ**

Т/р	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Масъул ижрочилар
	I. Таркибий бўлинманинг номи						
1.	Таркибий бўлинма бажарадиган функция номи						
	1.1. Жараён номи						
	1.2. Жараён номи						
2	Таркибий бўлинма бажарадиган функция номи						
	2.1. Жараён номи						
	2.2. Жараён номи						
	II. Таркибий бўлинманинг номи						
3.	Таркибий бўлинма бажарадиган функция номи						
	3.1. Жараён номи						
	3.2. Жараён номи						

“Навойуран” давлат корхонаси фаолиятида  
коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва  
баҳолаш услубиётига 4-илова

“Навойуран” давлат корхонасининг коррупцияга қарши курашиш

**ДАСТУРИ**

<b>Т/р</b>	<b>Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
------------	---	--------------------------------	---------------------	----------------------------